



Tadqiqot **UZ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**No17**

30 июнь

**conferences.uz**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
20-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-20**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-20**

**ТОШКЕНТ-2020**

---



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тугган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ВЕТЕРИНАРИЯ**

|  |    |
|--|----|
| <b>1. Shimbergenov Maqset</b>  |    |
| QUSLARDÍŃ PARODALÍQ KLASSIFIKACIYASÍ.....                              | 7  |
| <b>2. Жаббаров Санъат Мумин уғли</b>                                   |    |
| ҚОРАМОЛЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....                              | 9  |
| <b>3. Farmonov Nizom Ochilovich, Rejepbaev Joshqin Egamberganovich</b> |    |
| YOSH BUZOQLARDA A VA D VITAMINLARINING YETISHMOVCHLIGI.....            | 11 |





## ВЕТЕРИНАРИЯ

### QUSLARDÍŃ PARODALÍQ KLASSIFIKACIYASI

*Samarqand veterinariya medicinası instituti Nókis filiali  
Shumbergenov Maqset*

*Telefon: +998 90 651 14 18 +99893 3655 34 34*

*E-mail: Maksshimbegenov98@gmail.com*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada gozlarning, parrandalarning Leggorin parodasi va boshqalar haqida malumotlar keltirilgan.

**Kalit sózlar.** Tuqum, gósh, zot, tirik vazni, pat.

**Аннотация.** В этой статье приводятся сведения о пародии Леггорина на гусей, птиц и многое другое.

**Ключевые слова.** Семя, мясо, порода, живой вес, погладить.

**Annotation.** This article provides information about Legorin's parody of geese, birds, and much more.

**Keywords.** Seed, meat, breed, live weight, pet.

Tawıqlardıń hámme parodaları ónimdarlıǵı boyınsha máyek, gósh, máyek hám gósh beretuǵın parodalarǵa bólinedi. Túrli baǵdarlarda ónim alınatuǵın tawıqlar tiri salmaǵı tárepten keskin pariǵ qıladı. Tiri salmaǵına qaray olar 3,5 kg nan 5,5 kg ǵa deyin baratuǵın awır parodalı gósh beretuǵınlarǵa 3-4 kg joqarı tas basatuǵın (ulıwma paydalanatuǵın) ǵa ajratıladı.

Úyrekler tez jetiletuǵın qus bolıp, onıń máyek, gósh hám ulıwma insanlar awqat sıpatında qabıl etituǵın túrleri bar. Úyrekler jılına 100-200 dana máyek qoyadı hámde úyrekler jılına 75 kg ǵa shekem gósh beriw imkanın beredi. Tiri salmaǵına qaray úyrekler bir-birinen pariǵ qıladı. Ǵazlar gósh hám may alıw maqsetinde kóbeytiriledi. Ǵazlar tiykarınan jılına 60 dana hátte onnanda ko'p máyek qoya aladı. Jaqsılap semirtirilgen g'azlar 46-50% ke shekem may toplay alıw qa'siyetine iye. Semirtirilgen g'azlar tiri salmaǵı 10 kg ǵa shekem baradı. Ǵazlardıń hámme parodaları denesindegi gósh hám may muǵdarına qaray tiri salmaǵı 4-7 kg keletuǵın jeńil zatlarǵa 5-8 kg ǵa shekem baratuǵın ortasha tiri salmaqtaǵıları 6-9 kg tas basatuǵın salmaqtaǵı túrlerge bólinedi.

Tawıq parodalarınıń ishinde máyek baǵdarındaǵı parodası Leggorn parodası máyek alıwǵa mólsherlengen paroda esaplanadı. Ol AQSH dan Italiyadan keltirilgen tawıqlardı aq minorka menen Ispan tawıq parodaları menen shaǵılıstırıw nátiyjesinde payda bolǵan. Bul tawıq máyek baǵdarındaǵı tawıq bolǵanı ushın hámme mamleketlerge tarqalǵan. Bul parodalardı Amerika leggornı hám Angliya, Daniya leggornı, nemits leggornı dep ajratıw múmkin bul parodalı tawıqlardı Leggorn parodalı tawıqlar kekilli japıraq sıyaqlı boladı hám olar tik turadı, mákiyenlerinde bolsa bir tárepke awıp turǵan boladı. Bul tawıqlardıń ayaqları, tumsıqları hámde terisi sarı reńde boladı. Qorazınıń taji jaqsı rawajlanǵan bolıp quyırq párleri júdá ósken boladı. Leggorn parodalı tawıqlardıń jetiliskenderininń tiri salmaǵı 2 kg shekem bolıp, qorazları 2,5 kg ǵa jetedi. Aq leggorn tawıqları jılına 180-220 ǵa jaqın máyek beredi, jaqsı baǵılǵan tawıqlar bolsa 300 ge jaqın máyek beriw qábiletine iye. Leggorn parodalı tawıq azıqlıq esabı júdá jaqsı payda beredi, mısalı 10 dana máyek jetistiriwge 2 kg nan kem azıq birligi sarıplanadı. Leggorn parodalı tawıqlar tez jetiledi hám 4-5 aylıǵında máyek bere baslaydı. Bul parodalı tawıqlar gósh ushın baǵılmaydı hám jaqsı semirmeydi. Ayırım jaǵdaylarda leggorn tawıqları aq reńde boladı, biraq qoǵır hám qara leggorn parodalı tawıqlarda ushıraydı. Bul tawıq eń áhmiyetlisi hár qanday sharayatlarǵa beyimlese aladı sonıń ushında bul parodalı tawıqlar hámme mámleketlerde kóbeytiriledi. Tawıqlar tiykarınan birinshi jılı eń kóp máyek beredi al ekinshi jılǵa qaray bolsa



15% ke kemeyedi, úshinshi jilga qarap birinshi jilga qarağanda 25-30 % ke shekem kemeyedi. Al ğazlardıń máyek ónimdarlıǵı bolsa ekinshi jılı birinshi jilga qarağanda 15-25 % ke úshinshi jılı bolsa 30-40 % ke kóbeyedi al keyingi jılları qartayǵanlıǵı sebebli máyek ónimdarlıǵı azayıp bara beredi. Úyrekler bolsa birinshi jılı máyek kóp berip ekinshi jılı 10-15% ke azayadı. Ayırım úyrek parodaları tulew dáwirinde ózin alǵanda bir jıl dawamında máyek beriwi múmkin, yaǵnıy bul úyrekler maksimal máyek beriwi fevral-mart aylarına máyek qoyıwǵa kiredi hám jaz aylarınıń aqırına shekem máyek bere beredi. Olardıń jası artǵan sayın máyek ónimdarlıǵıda sonsHELLI kemeyip baradı. Quslardıń gósh ónimdarlıǵın xarakterleytuǵın sebepleri bular: tiri salmaǵı, ósiw tezligi, pár payda bolıw tezligi, semiriw dárejese bolıp esaplanadı.

Paydalanılǵan ádebiyatlar

1. Tadbirkor-fermer.uz sayti
2. Qusshılıq baǵdarı





## ҚОРАМОЛЛАРНИ БЎРДОҚИЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Жаббаров Санъат Мумин угли*  
*Самарқанд ветеринария медицинаси институти Нукус филиали*  
*1-босқич Зооинженерия мутахассислиги талабаси*  
*E-mail: sanatbekjabborov3@gmail.com*  
*Tel: +998994102998*

**Аннотация:** Ушбу мақолада қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишда бўрдоқилаш технологиясининг аҳамияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Технология, ўстириш, дехқон хўжаликлари, бўрдоқилаш, етук ёш, шахсий ёрдамчи, I-даври, I-фазасида, алмашинувчи энергияга, Сомонни қиздириш ва ачитиш.

Ушбу технологияда гўшт ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли амалга оширилади. Яъни эркак бузоқлар 20 кунлигидан бошлаб сотиб олиниб, гўштга боқиш технологиясида 14-18 ойлигига 400-420 кг вазни қадар боқилади. Мавжуд технология хўжаликларни ихтисослаштириш (сут ҳамда гўшт йўналишида) асосида жорий этилади. Гўшт йўналишига ихтисослашган хўжаликлар ёки комплекслар сут йўналишидаги хўжаликлардан 20 кунлик соғлом эркак бузоқларни (келишилган нархларда) сотиб олади.

Ёш молларни гўштга парваришlash ва бўрдоқилаш технологиясининг асосий параметрлари куйидаги жадвалда келтирилди.

Ишлаб чиқаришдаги технологик даврлар 3 этапга бўлинади (парваришlash, ўстириш ва бўрдоқилаш). Ушбу этапларда ёш молларни боқишнинг турли жадаллигида ўртача кунлик вазн ўсиши I-даврда 600-750 граммни, II-даврда - 650-900 граммни ва III-даврда 900-985 граммни ташкил этади. Уларнинг хўжаликка олиб келингандаги вазни (ўртача) 40 килограммни ташкил этишида ва турли вариантлардаги боқишда уларнинг вазни жадал ўзгаради

| Кўрсаткичлар   | Турли жадаллик вариантлари |      |      |
|--|----------------------------|------|------|
|  | I                          | II   | III  |
| <b>Тирик вазнини ўзгариш динамикаси, кг:</b>   |                            |      |      |
| Сотиб олингандаги тирик вазни  | 40                         | 40   | 40   |
| I-даврнинг охиридаги тирик вазни   | 148                        | 145  | 141  |
| II-даврнинг охиридаги тирик вазни  | 288                        | 281  | 272  |
| III-даврнинг охиридаги тирик вазни   | 418                        | 416  | 415  |
| Гўштга топшириш ёши, кун   | 560                        | 490  | 445  |
| Парваришlash ва бўрдоқилаш даврида 1 бошга талаб қилинадиган озуқалар, озуқа бирлиги | 3402                       | 3196 | 3000 |
| III.жумладан бир йил давомида, озуқа бирлиги   | 2300                       | 2482 | 2576 |
| 1 кг вазн ўсишига сарфланадиган озуқалар, озуқа бирлиги                              | 9,0                        | 8,5  | 8,0  |
| III.жумладан концентрат (ем) озуқалари   | 3,6                        | 3,8  | 4,0  |
| Концентрат озуқаларнинг салмоғи, %   | 40                         | 45   | 50   |

14 ойлигига қадар 400 бошга, III-даврида 14 ойлигидан 19 ойлигига қадар 300 бошга мўлжалланган сақлаш жойлари ташкил этилади. Бузоқларни қабул қилиш ва бўрдоқиларни гўштга топшириш ритми ҳар 15 кунга тўғри келади. Унда қабул қилинаётган бузоқлар сони 26-28 бошни ташкил этади. Ёш молларни гўштга парваришlash ва бўрдоқилаш технологиясида озиклантириш хили, меъёри ва тўйимлилигига алоҳида эътибор берилади.

Парваришlashнинг I-даври I-фазасида бузоқларга 20 кунлигидан 66 кунлигига қадар сунъий сут берилади. Бузоқларга сунъий сутни ичириш бир хил меъёрда олиб борилади ва 21-65 кунлик бузоқларга 44 кун мобайнида 215 кг сунъий сут ичирилади.



**I-даврнинг I ва II-фазаларида:** бузоқлар 307,4 кг махсус ем, 164,7 кг беда пичани (ёки майин табиий пичан) ва 877 килограмм маккажўхори силоси берилади. Уларнинг тўйимлилиги 681 озуқа бирлиги, 645 кг куруқ модда, 6903 МДж алмашинувчи энергия, 79659 грамм хазмланувчи протеинга тенг. 1 кг тирик вазни ўсишига 6,3 озуқа бирлиги, 6,0 кг куруқ модда, 64 МДж алмашинувчи энергия ва 738 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади. 1 кг озуқа бирлигига 117 граммдан хазмланувчи протеин тўғри келади.

**Технологиянинг II ва III-даврларида:** молларни боқиш жадаллаштирилади. Улар асосан ширали озиклантириш типига боқилади. Рацион таркибини сенаж, пичан ва омихта концентратлар билан озиклантиришни ташкил этади.

**Технологиянинг II-даврида:** (ўсиш) сарфланадиган озуқалар тўйимлилиги 1379 озуқа бирлиги, 1356 кг куруқ модда, 10380 МДж алмашинувчи энергия, 190049 грамм хазмланувчи протеинга тенг. Ушбу даврда молларни 1 килограмм семиришига 9,85 озуқа бирлиги, 9,69 кг куруқ модда, 74 МДж алмашинувчи энергия ва 1357 грамм хазмланувчи протеин сарфланади.

**III-даврда:** (бўрдоқилаш)ги озиклантириш схемасидаги озуқаларда 1369 озуқа бирлиги, 1609 кг куруқ модда, 15873 МДж алмашинувчи энергия ва 196893 грамм хазмланувчи протеин мавжуд. 1 кг қўшимча вазн олиш учун 10,53 озуқа бирлиги, 12,38 куруқ модда, 122 МДж алмашинувчи энергия ва 1515 граммдан хазмланувчи протеин сарфланади.

Технология даврларида 215 кг сунъий сут, 4930 кг силос, 2295 кг сенаж, 652 кг пичан ва 1052 килограмм концентрат озуқалар сарфланади. Уларнинг тўйимлилиги 3429 озуқа бирлигига, 3610 кг куруқ моддага, 33156 МДж алмашинувчи энергияга, 466,601 килограмм хазмланувчи протеинга тенг. 1 кг семириш учун 9,07 озуқа бирлиги сарфланади. Хўжалик йил давомида 257-260 тонна гўшт ишлаб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Петухова Е.А. и др. Практикум по кормлению сельскохозяйственных животных. М.1991.
2. Хохрин С.Н. Кормление сельскохозяйственных животных. Москва «Колос С» 2004.



## YOSH BUZOQLARDA A VA D VITAMINLARINING YETISHMOVCHLIGI

*Farmonov Nizom Ochilovich*  
*Rejepbaev Joshqin Egamberganovich*  
*Telefon+998933529211*  
*E-mail: rejepbayev91@gmail.com*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada yosh hayvonlarda kasallikning asosiy sababi organizmga oziqalar bilan D vitaminining kam miqdorda tushishi va uning endogen sintezining pasayishi haqida malumotlar keltirilgan.

**Kalit soʻzlar:** D vitamin, raxit, suyak, karpal boʻgʻinlar, laringospazm, tonik qaltiroq, asfiksiya, bronxopnevmoniya, sepsis, trivit, tetravit, tetramag, multivit.

Yosh buzoqlarda D vitaminining yetishmasligi, organizmda kalsiy va fosfor almashinuvining, suyak toʻqimasi hosil boʻlishi jarayonining buzilishi hamda gavda suyaklarining deformatsiyasi bilan xarakterlanadi.

Yosh buzoqlar uchun D<sub>2</sub> vitaminining manbai uviz, sut va yogʻi olingan sut hisoblanadi. Bugʻoz sigirlarni yetarlicha oziqlantirmaslik, faol matsionning yetishmasligi ulardan olinadigan uviz va sut tarkibida D<sub>2</sub> vitaminining kamayishiga sabab boʻladi. Yosh buzoqlarda organizmining vitamininga boʻlgan ehtiyojining qondirilmasligi kasallikka sabab boʻladi. Ratsionda kaltsiy, fosfor va boshqa elementlarning yetishmasligi, ayrim radioaktiv zonalarda strontsiy-90 ning ortiqchaligi ham maʼlum darajada etiologik ahamiyatga ega.

D vitaminining tanqisligi, ulʼtrabinafsha nurlarining yetishmasligi oqibatida 7-degidroksilesterindan D vitamini sintezining susayishi kasallikning asosiy sabablari hisoblanadi. Organizmda kalsiy almashinuvining boshqarilishida qatnashadigan qalqonoldi bezlari faoliyatining buzilishi, ratsionda kaltsiy va fosfor tuzlarining yetishmasligi, ular oʻzaro nisbatining buzilishi, ratsionda kislotalik darajasi yuqori boʻlgan oziqalarning koʻpligi, hazm tizimidagi buzilishlar oqibatida kislota-ishqor muvozonatining kislotalik tomonga oʻzgarishi kabi omillar ham raxitning kelib chiqishida katta ahamiyatga ega.

Organizmda kobalt va marganetsning yetishmovchiligi, nikel va temirning nisbatan ortiqchaligi endemik raxitning rivojlanishiga sabab boʻladi. A vitamini va oqsillarning yetishmasligi kasallikning rivojlanishini kuchaytiradi.

Yosh buzoqlarda raxit paytida ishtahaning yomonlashuvi, tana vazni ortishining kamayishi, tam bilish qobiliyatining buzilishi oqibatida lizuxa kuzatilishi xarakterli boʻladi. Keyinchalik holsizlanish, zoʻriqib harakat qilish, koʻp yotish, yotgan joyidan qiynalib koʻzgʻalish, oqsash, bugʻinlar va suyaklarning ogʻriqli boʻlishi kabi belgilar kuzatiladi.

Suyaklarning jadal oʻsadigan va gavdaning ogʻirligi eng koʻp tushadigan joylari deformatsiyaga uchraydi. Oldingi oyoqlarni chalishtirib turish, boʻgʻinlarning qiyshayishi yoki toʻliq bukilmaligi kuzatiladi. Suyak toʻqimasi tarkibidagi fosfor kislotasi va kaltsiy tuzlari miqdori keskin kamayadi. Oldingi oyoqlardagi naysimon suyaklar va umirtqa pogʻonasi qiyshayadi. Karpal boʻgʻinlar shishadi, qovirgʻalar ichkari tomonga bukiladi, koʻkrak qafasi yon tomondan torayadi, qorin pastga osiladi va hajmiga kattalashadi.

Raxit paytida koʻpincha asab tizimida buzilishlar, uyqusirash holati yoki bezovtalanish, laringospazm, toʻsatdan yerga yiqilib tushish, qisqa vaqtli qaltiroqlar yoki tana muskullarining uzoq davom etadigan klonik va tonik qaltiroq

kuzatiladi. Nafas harakatlarida ishtirok etuvchi muskullarning qaltiroq xurujlari oqibatida asfiksiya tufayli hayvon halok boʻlishi mumkin. Kasallik koʻpincha oshqozon va ichaklar katari, bronxopnevmoniya, ayrim suyaklarning sinishi, sepsis belgilari bilan oʻtadi.

Yosh buzoqlarni davolash organizmdagi D vitamini va uning faol shakllari tanqisligini yoʻqotish hamda kaltsiy - fosfor almashinuvini buzilishlarini maʼromlashtirishga qaratilgan boʻlishi lozim. Raxit koʻpincha A gipovitaminoz, alimentar anemiya kabi kasalliklar bilan birgalikda uchraydi. Shuning uchun davolash mulojalari tarkibiga retinol, temir, kobalt va boshqa elementlarni ham



kiritish kerak.

D vitamini saqlovchi preparatlar sifatida D vitaminining yog'li eritmasi (0,125 - 0,5%), spirtli eritmasi (0,5%), suvda eriydigan xolekalsiferol - lipovid preparati, kompleks preparatlardan trivit, tetravit, tetramag, multivit, baliq yog'i kabilar tavsiyanomasiga asosan qo'llaniladi. Preparatlar oziqa bilan yoki parenteral yo'llar bilan 10 - 15 kun davomida qo'llaniladi. Ularning dozasini belgilashda tarkibidagi D vitaminining miqdori hisobga olinadi. Parenteral usullar bilan yuborilganda xolekalsiferolning dozasi 100 - 150 HB/kg ni tashkil etadi. Og'iz orqali qo'llanilganda buzoqlar uchun 200 - 250 HB/kg ni tashkil etadi.

Bo'g'oz hayvonlar ratsioni D<sub>2</sub> vitaminiga boy oziqalar bilan boyitiladi. qish - bahor fasllarida bunday oziqalarning tanqisligi tufayli ratsion D vitaminining preparatlari bilan boyitiladi. Buning uchun videin D<sub>3</sub>, mikrovit D<sub>3</sub>, prosol 500, lutovit D<sub>3</sub> kabi mikrogranullalangan preparatlar va D vitaminining quruq achitqili konsentratlaridan qo'shiladi. Bo'g'oz hayvonlarning to'g'ishiga 2 oy qolgandan boshlab, trivit, tetravit yoki tetramag kabi kompleks vitaminli preparatlardan har 10 kunda bir marta ineksiya qilish tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Абрамов С.С., Арестов И.Г., Карпуть И.М. и др. Профилактика незаразных болезней молодняка. - М. Агропромиздат. 1990.

2. Абрамов С.С., Коваленок Ю.К., Фетисов И.Н. Ветеринарные и зоотехнические проблемы в животноводстве и научно-обеспечение учебного процесса:

**TADQIQOT.UZ**  
**ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"**  
**МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ**  
**ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(20-қисм)**

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000